

Эҳромдаги кишининг кийимлари



10:24 / 09 июнь 762

وْنَعْهُلَالِي ضَرَرْمُعْنْبَرَنَعْ
هُلَلَالُوسَرَأِي هَلَاقَهُلُجَرَنَأْ
نَمْهُمْحُمْلَاسَبْلَيْمَ
سَبْلَيْهَلَالِهَلَاقَهُبَأِيْهَلَالِ
هَلَلَوْهَمَئَامَعَلَالِلَوْهَصُمْقَلَالِ
هَسَنَأَرَبْلَالِلَوْهَتَالِي وَأَرَسَلَالِ
دِجَيْهَلُدَحَأَلِإِفَافَخَلَالِلَوْهَ

ءِنْ يَفْعُلْ سَبْلَيْلَفْ نِيلْعَنْ
نَمَلَفْ سَأْمُونْعَطَقِيلَوْ
نَمَ اُسَبْلَتْ تَلَوْ، نِيلْبَعَلْلَا
نَأْرَفْعَزْ سَمَّيْشَ بَأْيِثَلَا
سَرْوَوْ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Эҳромдаги киши қайси кийимларни кияди?»
деди.

«Кўйлаклар, саллалар, шалворлар, кулоҳлар, махсиларни
киймайди. Аммо кийгани кавуш топмаса, махси кийиб, ошиғидан
пастидан кесиб олсин. Заъфарон ва варас теккан кийимларни
кийманглар», дедилар».

Шарҳ: Умуман олганда, эркак киши эҳромга кирганда тикилган нарса
кийиши мутлақо мумкин эмас.

«Заъфарон» сариқ рангли ўсимлик бўлиб, уни кийимларга кўпроқ хушбўй
нарса сифатида суртилган.

«Варас» Яманда ўсадиган сарғиш-қизил ўсимлик бўлиб, у ҳам хушбўй
нарса сифатида ишлатилган. Ҳаж ва умра қилувчи киши эҳром кийимига
бу икки нарсани суртиши мумкин эмас.

Эҳромдаги эркак кишининг оёқларининг уст қисми очик бўлиши лозим.
Шунинг учун кавуши йўқ одам махси кийишга мажбур бўлса, унинг
oshiғидан пастини кесиб ташлаши лозим.

دِجَيْ مَلْ نَم ٰ يَأْوِرِي فَوْ
سَبْلَيْ لَفْ نَيْ لَعْنَلَا
أَرَازِإِ دِجَيْ مَلْ نَم وِنَيْ فُخْ
لِي وَأَرَسْ سَبْلَيْ لَفْ

Бошқа бир ривоятда:

«Ким кавуш топмаса, махси кийсин. Ким изор топмаса, шалвор кийсин», дейилган.

Шарҳ: Албатта, кавуш топмаган киши аввалги ривоятда айтилганидек, махсина ошиғидан пастидан кесиб, кияди.

Изор - эхром боғлаган эркак киши киндиғидан пастига тутадиган лунги. Изорни топмаган киши шалвор кийиб олса бўлар экан. Бунда ўша кийимнинг иложи борича изорга яқин бўлиши риоя қилинади.

يَضَرَّةِيْ مُأْنَبِيْ لَعْيَ نَعْ
يَتَأْمُلُ حَرَنْ أَهْنَعُهْ لَلَا
يَلَعُهْ لَلَا يَلَصِيْ بِنَلَا
لَهْ أَدْقَنْ أَرْعَجْ لَابَ وَهَوَ مَلَسَ وَ
هَتَيْ حَلَ رَفَصُمَ وَهَوَ رَمْعَلَابَ

لَاقَفْ، بُجَهْ يَلَعَ وْسَأَرَوْ
 تَمْحَأْيِنَاءِ هَلَلَوْسَرَأَيْ
 لَاقَفْ، يَرَتْ أَمَكْ آنَأْ وَرْمُعَبْ
 لَسْعَأَوْ بُجَلَكْنَعْزَنَأْ
 تَنْكَأَمَوْ رْفُصَلَكْنَعْ
 عَنْصَافَكْجَحْ يَفْعَنَأَصْ
 مَخْلَأَمُهَورَكْتَرْمُعْ يَفْ

Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъронада умра ниятини қилиб бўлганларида соқоли ва бошини сариқقا бўяган, чопон кийиб олган бир киши келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен умрага эҳром боғладим. Ўзим эса кўриб турганингиздек», деди.

«Устингдаги чопонни еч. Ўзингдаги сариқни юв. Ҳажингда нима қилсанг, умрангда ҳам шуни қил», дедилар».

Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, умрада ҳам худди ҳаждаги каби эҳром боғланади ва ҳажга эҳром боғлаган кишига ҳаром бўлган нарсалар умрага эҳром боғлаган кишига ҳаром бўлади. Ушбу ривоят қаҳрамони каби тўн кийиш, сочсоқолни бўяш каби ишлар шулар жумласидандир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 10-жузи

